O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 1 январь, жума • № 1 (11.084) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Аввало, барчангизни кириб келаётган Янги — 1999 йил билан самимий табриклашга ижозат бергайсизлар. Байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган Сиз азизларга Янги йил эсон-омонлик, бахт-саодат, гўзал диёримизга равнақ ва тўкинчилик олиб келсин.

Ўтиб бораётган йилни сарҳисоб қилар эканмиз, унинг барчамиз учун, мамлакатимиз учун кўп жиҳатдан оғир, ўта мураккаб бўлганини тан олишимиз керак. Узоқ-яқин мамлакатларда рўй бераётган инқирозлар бизни четлаб ўтмади. Ҳаётимизни бошқариш ва ташкил этишда ўзимиз йўл қўяётган хато ва нуқсонларнинг иқтисодимизга салбий таъсири ҳали кўп жойларда сезилмоқда.

Шу билан бирга, ортда қолаётган давр ҳар бир инсон, ҳар бир хонадон ҳаётида, халқимиз тарихида ижобий из қолдирди, деб чин қалбимдан ишонаман.

Шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, юртимиз кундан кунга ўз қиёфасини ўзгартирмоқда, бунёдкорлик ишлари жадал суратлар билан давом этмоқда. Жамиятимизни янгилашда, қонун ва адолат устуворлигига эришиш йўлида салмоқли қадамлар қўйилмоқда.

Маърифий ва маънавий ҳаётимизда сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда.

Улуғ алломаларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйлари кенг нишонланди, уларнинг табаррук қадамжолари обод қилинди. Жаҳон аҳли халқимиз, миллатимиз даҳоларига яна бир карра ҳурмат-эҳтиром бажо этди.

Энг муҳими, эл-юрт осойишталиги — бебаҳо неъмат, Оллоҳнинг ўзи бизга ато этган иньом деган ҳақиқат онгимиздан тобора кенг жой олмоқда.

Кузатиб қўяётган йилимизнинг энг муҳим моҳияти шундаки, бизлар йил бўйи амалга оширган ишлар авваламбор тинч-тотув турмушимиз, бахту саодатимиз бешиги бўлмиш муқаддас оилани мустаҳкамлашга, фарзандларимиз — ўсиб келаётган авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилди.

Азиз юртдошларим!

Биз XX асрнинг охирги йилларига — XXI аср бўсағасига қадам қўймоқдамиз. Учинчи минг йиллик, яъни башарият тарихининг туб бурилиш даври олдимизда турибди. Бинобарин 1999 йил биз учун қанчалик самарали ва омадли бўлса, Бизнинг XXI асрдаги ҳаётимиз ана шу пойдевор асосида қурилади. Шунинг учун ҳам, 1999 йилимиз янги аср бошида жамиятимизни янгилаш, эркин ва ҳар қандай эски асоратлардан ҳоли ҳаёт қуриш, ислоҳотларни қатъият билан чуқурлаштириш, тараққиётимиз барқарорлигини, халқимизнинг тинчлиги, фаровонлиги, юртимизнинг ободлигини таъминлаш йўлида муносиб ўрин олиши учун ўзимизни аямаслигимиз керак.

Ана шу мақсадларга эришиш бизнинг фидокорона меҳнатимизга, ватанпарварлик туйғусига, Ватан иқболи учун умримизни бағишлашимиз билан нақадар боғлиқ эканини англаб олишимиз даркор. Ҳақиқатан ҳам, Ватан ягонадир, Ватан биттадир. Унинг буюк келажаги ва фаровонлиги учун, халқимизнинг тотувлиги, тинчлиги, миллатлараро жипслиги ва ҳамжиҳатлиги учун курашиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугун, Янги йил арафасида, Сиз азизларни ишонтириб айтмоқчиман:

эзгу мақсадлар ва пок орзуларимиз йўлида қилган шунча машаққатли меҳнатимиз зое кетмас, албатта.

Янги 1999 йилимиз ўтаётган йилдан кам бўлмасдан, файзли ва баракали бўлгай, иншоолло.

Муҳтарам дўстлар!

Биз 1999 йилни эзгу ниятлар билан Аёллар йили деб эълон қилдик. Бундан муддао — мунис оналаримизнинг, жуфти ҳалолларимизнинг, меҳрибон опа-сингилларимизнинг, гўзал ва оқила қизларимизнинг жамиятдаги, оиладаги, меҳнат жамоаларидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қадр-қимматини муносиб даражага кўтаришдан иборатдир.

«Аёлни эъзозлаган кишини Худо ҳам сийлайди» деган ҳикматли сўзда теран маъно бор.

Ҳозирги ҳаяжонли лаҳзаларда, Янги йил арафасида, халқимизга, аввало муҳтарама аёлларимизга яна бир карра шуни айтмоқчиманки, сизларга эҳтиром кўрсатиш — ҳақиқий инсонни, оилани, барчамиз учун муқаддас онани, Ватанни улуғлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Шу қувончли дақиқаларда барчангизни қутлуғ байрам билан яна бир карра табриклашга ижозат бергайсиз.

Илоё, ғам-ғуссалар ортда қолиб, Янги йилда қалбимизда сақлаб юрган барча эзгу орзу-ниятларимиз ижобат бўлсин.

Янги йилда Ватанимизни, хонадонларимизни бахт-саодат, тинчлик-омонлик, фаровонлик асло тарк этмасин.

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ВАТАН

Умр гулшанининг баҳори кетди,
Булбуллари кетди. Ватан кетмади.
Ҳуснқалъасининг охори кетди,
Ғурурлари кетди. Ватан кетмади.

Кетди ёру-дўстлар, жўралар кетди,
Юрак меҳробидан Ватан кетмади.
Саралар, оқиллар, тўралар кетди,
Юрак тупроғидан Ватан кетмади.

Манглайини само силаган тоғлар
Кетдилар йўқликка. Ватан кетмади.
Чулдираб илк бор кўз очган булоқлар
Кетдилар, барибир Ватан кетмади.

Иссиқ ўлкаларни қидириб, излаб,
Қалдирғочлар кетди. Ватан кетмади.
Кўнгилга бир қўниб, кўчган қувончлар,
Кетдилар, барибир Ватан кетмади.

Кетмай яшайверди дардкаш онадай,
Шодлигу, азобу, фироғи билан.
Момо Тўмарисдек елдириб отни,
Ғаним нимталаган Широғи билан.

Кетмай яшайверди юрак аршида,
Ҳилпираган туғ, нон-тузлари билан.
Умрин далаларга фидо айлаган,
Йигит юракли ҳур қизлари билан.

Кетмай яшайверар, токи юракда,
Кўз очаркан мингта кўзли булоқлар.
Мени ташлаб кетмас Темур туғи-ю,
Яссавий изларин ўпган тупроқлар...

Шарифа САЛИМОВА.

ИСТИҚЛОЛ — ИСТИҚБОЛ — ИФТИХОР

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАР САМОДА ҲУМО

ОНИЯЛАР, сониялар, дақиқалар, соатлар... Ҳар зумда илгари — олдинга ҳатлар. Улардан сўнг кунлар, ойлар келади, ойлар эса йиллар сари елади. Йиллар-чи — силсила, аср айланар, аср илгагига тақдир бойланар. Вақт деб аталур бундай жараён, ҳар они зуҳур бўлур мавжудотда намоён... Ўтмиш машойиҳлари коинот кахкашонидаги «ВАҚТ» деб аталмиш ўлчамни ана шундай таъриф қилганлар. Вақтни тўхтатиб ҳам бўлмайди, тезлатиб ҳам бўлмайди. У сирли бир синоатки, унинг ҳакамі йўқдир.

Ҳа, вақт ўтади. Фақат, нисбий маънода, замон ва маконга тадбиқан ибтидоси ва интиҳоси бордир. Ана шу ораликда бажо келтирилган солиҳ амаллар билан вақтга баҳо берилади. Хоҳ давлат бўлсин, хоҳ жамият, ёхуд миллат бўлсин, ёки бир инсону оила бўлсин вақтнинг бир бўлагини ҳамиша-ҳамрўз сарҳисоб қилади. Нима қилинди-ю, нима қилинмади, зеҳндан бир-бир ўтказилади. Ана шундай асрий кесмалардан бўлган 1998 йил айни кунларда тарихга айланди, мозийга чекинди. Унинг ўриндоши — бокира 1999 йил таваллуд топди.

Хўш, анъанага риоян 1998 йил Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг, ўзбек миллатининг, ҳар бир хонадон ва фуқаро ҳаётида қандай из қолдирди? Тугаган йилдан розимизми? Унинг ўзига хослиги қайси жабҳаларда кўринди?

Энг аввало, шуни айтиш керакки, 1998 йил Юртбошимизнинг лафзи-иродаси билан «ОИЛА ЙИЛИ» деб аталди. Бу атамада катта фалсафий маъно ва мазмун инкишоф эди. Зеро, оила — муқаддас даргоҳ, у одоб, таълим-тарбия маскани. Ахлоқ мезонлари ана шу жойда таркиб топади. Оила бор экан, жамият бўлади. Оила фаровон бўлса, давлат бойийди. Оила тинч бўлса, эл-юрт осойишталиги таъминланади. Оила соғлом бўлса, баркамол фарзандлар етишади. Оила барқарор бўлса, тотувлик бўлади. Оила саводхон бўлса, Ватанда иқтидорлар кўпаяди... Қисқаси, оила калимасига бир олам фалсафани сингдириш мумкин.

Бинобарин, шундай экан, ўтган йилда оилалар фаровонлигини ошириш, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни яхшилаш, серфарзанд ва камхарж оилаларга ёрдам кўрсатиш, оилалар ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш сингари хайрли ишлар аниқ дастурлар доирасида изчил олиб борилди. Олис манзиллардаги хонадонларга газ, ичимлик суви, электр қуввати етказиб бериш ишлари бир қадар ижобий изга тушди. Таълим-тарбия, тиббий, маданий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига тааллуқли давлат дастурлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Қисқа муддат ичида шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз қиёфаси ўзгача чирой кашф эта бошлади. Аҳоли истиқомат жойлари янада ободроқ, янада кўркамроқ бўлиб қолди, ўзига хос шарқона тус олди. Жойларда янги-янги ишлаб чиқариш тизилмалари, қўшма корхоналар ишга туширилди. Хўжалик юритишнинг ўзгача усуллари жорий этилди. Жумладан, биргина бизнинг Тошкент вилоятимизда 105та қўшма корхона ишлаб турди.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини холисона ўрганишнинг илмий асосларини вужудга келтириш, тадқиқотларни ростмана талаблар даражасига кўтариш, мамлакатимиз тарихи бўйича салоҳиятли етук ходимлар тайёрлаш мактабини яратиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни шакллантириш масалаларига бағишланган Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам одамларда катта мамнунлик уйғотди. Чунки, вақт ўтган сайин маънавий, маданий, маърифий ҳақиқатлар моҳияти ўзгача маком, ўзгача маъно касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, маънавий меросимизга юксак эҳтиром ҳаётимизнинг ажралмас қисмига — миллий эҳтиёжга айланди. Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, маданий ислоҳотларни қўшни давлатлар ҳаёти билан таққослаганимизда танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор юрак-юракдан ҳис этамиз.

Шу аснода табиий бир савол туғилади. Юқоридаги каби ислоҳотлар муваффақияти нималарга боғлиқ? Жўн қилиб айтганда, сармояга, маблаққа бориб тақалади. Маълумки, молиявий имкониятлар халқ хўжалигининг турғун ривожига боғлиқдир. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, 1998 йил ана шундай тараққиёт санаси бўлди. Яқинда Юртбошимиз Ислом Каримов вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан Вазирлар Маҳкамасида бўлган учрашувда сўзлаган нутқида шундай деди: «Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш юзасидан қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, назаримда, йилнинг энг муҳим натижаси — бу шаклланган макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди». Шундан сўнг давлатимиз бошлиғи ялпи ички маҳсулотнинг 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 4,8 фоизга, чакана товар айланиши 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш кўлами 9,5 фоизга ошганлиги тўғрисидаги эътиборли рақамларни келтирди. Бу гаплар замирида чиндан ҳам иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида юз берган ўсиш суръатларини яққол кўриш мумкин эди. Ана энди хулоса равшанлашди. Демак, иқтисодий ривож ижтимоий, маданий, маърифий соҳалардаги юксалишимизнинг меҳвари экан.

Бундай тадбирлар қандай асосларга таяниб амалга оширилди? 1998 йилда иқтисоднинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш, тармоқларнинг ўртача муддатларга мўлжалланган ривожланиш режаларига асосланган, аниқ мақсадлар сари

(Давоми 2-бетда).

РАҲМАТ, СИЗГА ПРЕЗИДЕНТ БОБО!

АЗАЛДАН ўзбек халқи ширинсухан, меҳр-оқибатли, саҳоватли, мурувватлидир. Бундай юксак инсоний фазилатлар мамлакатимиз истиқлолга юз тутиб, ўзининг равнақ йўлини ўзи белгилагач, биринчи ўринга чиқди.

Эътибор беринг, Етти йил ичида Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар қилинди. Етимесирлар бошини силаш, кексаларни эъзозлаш, фарзандларимиз соғлом бўлиши йўлидаги хайрли тадбирлар, ҳар йили арча байрамларида болалар учун махсус тайёрланган совғаларнинг тарқатилиши фикримизнинг далилидир.

Бу йил ҳам меҳрибонлик уйларида, мактаб-интернатларда ўтаётган «Президент арчаси» тантаналари бу даргоҳлардаги тарбияланувчиларнинг қувончларига қувонч қўшмоқда.

Куни кеча Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида 14-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари катта арча атрофида тўпландилар. Болажонларга вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов Президентимиз совғаларини топширар экан, залда қарсаклар янгради.

Байрамга тўпланган жажжилар кўрсатилган мурувват ва саҳоват учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдириб, «Раҳмат, сизга Президент бобо!» дедилар.

Шунингдек, Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйида, Ангрен шаҳридаги 34-, Оққўрғондаги 78-мактаб-интернатларда ҳам ана шундай тантаналар бўлиб ўтди, кичкинтойларга Юртбошимиз совғалари топширилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.
СУРАТЛАРДА: Оҳангарон шаҳрида бўлиб ўтган «Президент арчаси» тантаналаридан лавҳалар.
Даврон АҲМАД ва Владимир ПОРТНОВ суратлари.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ТАДБИРКОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги мактаб-интернатда хайрли тадбирлар тез-тез бўлиб туради. 1997 йилда бу ерда 20 нафар боланинг суннат тўйи саҳоватпеша кишилар томонидан ўтказилган эди.

Куни кеча — Янги йил арафасида ташкил этилган байрам дастурхонига тадбиркор Ғаффор Норматов ҳомийлик қилди. 70 килограмм гуруч дамланиб ўқувчилар ва меҳмонларга тортилди.

Таниқли санъаткорлар — Ҳожиакбар Ҳамидов ва Рустам Саъдуллаевлар ўз қўшиқлари, киноларда яратган қаҳрамонлари ҳақидаги суҳбатлари билан даврага файз киритдилар.

Ҳусан АВВАЛОВ.

40ТА ЙЎЛЛАНМА... САНАТОРИЙГА

ХАЙРЛИ ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак! «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими фаолиятидан ана шу шиор мустаҳкам ўрин олган.

Байрам арафасида унинг ходимлари Бўстонлиқ туманидаги махсус мактаб-интернатда бўлиб, болаларни янги йил билан қутлашди ва уларга совғалар топширилди.

Айни пайтда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманидан жалб этилган 40 нафар ўсмир «Ўзбекбирлашув» санаторийсида ҳордиқ чиқариши учун йўлланмалар ажратилди.

Саид ВАЛИЕВ.

ҚИШКИ ТАЪТИЛ — ТАБИАТ ҚЎЙНИДА

ВИЛОЯТ ўрта махсус ҳунар-техника таълими бошқармаси ҳеч кими йўқ талабаларга махсус Янги йил совғаси ҳозирлади.

У ўз тасарруфидаги ўқув муассасаларида таълим олаётган шундай ёшларни ҳар йилги қишки таътиллари худди ёздагидек ўтишини таъминлаяпти. Улар доим Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳларда мароқли дам олар эдилар.

Бу йил эса вилоятимизнинг турли бурчакларидан келган 65 нафар талабага Янгиобод сайёҳлар базасида дам олиш учун йўлланмалар берилди. Улардан 32 нафари ангренлик ўқувчилардир.

Дам олувчилар сайёҳлар масканига жўнашдан олдин шаҳардаги бизнес мактабга йиғилдилар. Шу ерда уларга Янги йил байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ўрта махсус ҳунар-техника таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Абдуллаев барча талабаларни кириб келаётган 1999 йил билан табриклади.

Гулжаҳон ЖАББОРОВА.

ҚОР ҲАМ БЎЛАДИ...

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутассадиларининг хабар беришларича, пойтахт ва Тошкент вилоятида 1-5 январь кунлари ҳарорат қиш фаслининг ҳукмида бўлади. Шивалаб ёққан ёмғир қорга айланади. Кечалари ва илк саҳарда туман тушади. Ғарбдан ҳар соҳада 15-20 метргача тезликда шамол эсади. Кечалари 5-10 даража, кундуз кунлари эса 0-5 даража совуқ бўлиши мумкин.

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАР САМОДА ҲУМО

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўналтирилган дастурларга ўтиш имкониятлари туғилди. Бундай ҳаракат иқтисодий ислоҳотларни адо этиш йўлидаги сиёсатимизда сифат жиҳатидан бутунлай янги босқич тарзида қаралиши лозим.

1998 йилда қатор ана шундай дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури, кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастури, Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш дастури, капитал қурилиш, коммунал-хўжалик, соғлиқни сақлаш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига ичимлик суви ва газ етказиб беришни яхшилашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш кифоядир.

Муҳтасар якун шуки, 1998 йил мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти йўлида муҳим довонни забт этиш билан баробар бўлди. Хусусан, у республикамизнинг Жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ишлаб чиқаришнинг пасайиши бутунлай тўхтатилган, халқимизнинг турмуш тарзи барқарорлашган, ҳуқуқий давлатнинг демократик тамойиллари чуқурлаштирилган йил сифатида ёдимизда қолди. 1998 йилда ислоҳот жараёнлари ижтимоий фаолиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олди. Кундалик ҳаётимиз ва онгимизга у чуқурроқ кириб борди. Дунёқарашимиздаги эскилик иллатлари, қолдиқ сарқитлар чекина бошлади. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, бошқариш йўлидаги тўсиқлар танқидга учради. Давлат мулкини хусусийлаштириш, адлия, солиқ, банк, божхона тизилмаларини ҳар томонлама такомиллаштириш борасида ҳам ижобий қадамлар қўйилди.

Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги тамойиллари сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ислоҳотларимизнинг асосий кафолатига айланди. Бундай самаралар, энг аввало, дунёқарашимиздаги янгиланишлар билан узвий боғланиб кетди. Фидойи, меҳнаткаш, танти халқимиз мустақиллик ва мамлакатимизнинг буюк истиқболига астойдил ишонди. Шу боис она-юрт қадр-қиймати, миллатимизнинг шон-шавкати, келажагимизнинг нурафшон манзилларини кўзлаб, ўз истеъдодини, ўз имкониятларини, ақл-заковатини, ғайрат-шижоатини она-Ватан равнақига бахшида этмоқда.

Энг муҳими, асрий армону орзуларимиз ҳақиқатга айланмоқда. Қисқа муддат — етти йил мобайнида истиқлол онгли ва тафаккури юксак инсон, алоҳида бир шахснинг фикри, мушоҳадаси ва руҳий эркинлиги билан чамбарчас пайванд эканлигини вужудан англадик. Мустақиллик — тараққиёт асоси эканлиги ҳаёт синовидан ўтди. Унинг самараси эл-юртдаги донишманд ва фидойи одамлар саъй-ҳаракати билан боғлиқ эканлигини тушундик. Эндиликда фуқаролари билимли ва иқтидорли саналадиган мамлакатнинг келажаги нурафшон эканлигини ёрқин сезиб турибмиз. Зеро, Президентимиз: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деганларида юз карра ҳақ эдилар. Боз устига Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО сессиясида айтган «Келажакни маданият ва маънавият қутқаради» деган сўзлари бугун жаҳоний шиорга айланди.

Диёримизга янги — 1999 йил ташриф буюрди. Пири муршидларнинг зикр қилишича, инсон қалби икки нарса хусусида қаришни билмас экан: бири — унинг Ватанга бўлган муҳаббатида, иккинчиси — унинг орзу-умидининг эзгулигида. Шу боис, улар ўтмишни ўзгартириб бўлмайди, келажакни эса ўзгартириш мумкин, дейдилар.

Янги йилимиз ҳам ўзига хос «либос» кийди. «Мен 1999 йилни мамлакатимизда АЁЛЛАР ЙИЛИ деб эълон қилишни таклиф этаман!» Бу сўзлар Президентимизнинг Конституциямиз байрамига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида янгради. Мазкур калималар эшитилиши билан муҳташам саройни олқиш қарсаклари чулғаб олди. Чунки, Йўлбошчимиз айтганидек, «Онани эъзозлаш — биз-нинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули, деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз».

Янги 1999 йилнинг дастлабки соатларида, келинг, покиза ниятлар қилайлик, ойдин манзилларни орзу этайлик.

Мақоламизга биз «Келажакни кўзлар самода хумо» деб бежиз сарлавҳа қўймадик... Ўзбекистон давлати тимсоли бўлмиш туғромизга бир разм солинг. Унда қанотларини кенг ёзиб турган хумо қуши ўз аксини топган. Чиндан ҳам хумо муқаддас қуш бўлиб, у тинчлик, яхшилик, иймон, эътиқод, поклик, иқбол, бахт-саодат, масрурлик, ҳалоллик, мукаррамлик, ҳидоятпешалик, файзу-баракот, бузруклик, донишлик рамзидир. Ана шу маҳобатли қуш қанотида нурли истиқбол сари парвоз қилаверайлик. Чунки, шоир битганидек: Аллоҳнинг меҳрибон нигоҳи тушган, жаннатдай макони бордир Ўзбекнинг. Қуёш, ой талашган, юлдуз талашган, мусаффо осмони бордир Ўзбекнинг. Авлодларни бахтли қилмоғи учун, келажаги буюк бўлмоғи учун, озод, обод Ватан қолмоғи учун, туганмас замони бордир Ўзбекнинг. Дунё хотирасин нақши турфаранг, даврларда ўрни, тўрда муҳтарам, навқирон ва азим, гўзал, мукаррам, ҳур Ўзбекистони бордир Ўзбекнинг!..

Шундай қилиб, янги йил келди. 1999 йил ҳаммамизга тинчлик, омонлик, бахт-саодат, катта-катта муваффақиятлар келтирсин. Ҳамиша-ҳамрўз омад ёр бўлсин. «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти жамоаси барча юртдошларимизнинг солиҳ амалларига ривож, умрларига барака тилайди.

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЯНГИ ЙИЛ ИСТАКЛАРИ

ГЎЗАЛ ТУЙҒУ — ҒАЗАЛ ТУЙҒУ

Мен кўпдан буён «Тошкент ҳақиқати»нинг муҳлисиман. Гоҳи-гоҳида юрагимни ўйлашга, бармоқларимни ёзишга ундайдиган мавзуларни қаламга олиб, шу газетага илинаман. Мазкур газетада адабиётга, маънавиятга оид, айниқса, аёллар мавзусида тез-тез чиқишлар қилиниши, саҳифалар бериб борилиши менга маъқул.

Яхши ниятлар билан кутиб олаётганимиз — 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилингани нур устига аъло нур бўлди. Мен бу хабарни қувониб-қувониб кутиб олдим. Бу йилдан умидларим катта. Гарчи ўтган 1998 йил ҳаётимда беиз кетмаган бўлса-да, яхши кунлар қатори, Оллоҳнинг иродаси билан қайғули кунларни ҳам бошдан ўтказдим. Менинг энг биринчи тилагим — ҳеч қачон аёл йиғламасин!

Юртимиз йилдан-йилга обод бўлиб бормоқда. Унинг келгусидаги ривожи, режаларнинг амалга ошуви кўп жиҳатдан биз аёлларга ҳам боғлиқ. Демак, ҳаётга янада теранроқ, онглироқ, ақллироқ кўз билан қарашимиз даркор. Мен ишонаманки, Ўзбекистон аёллари, шу жумладан, вилоятдаги дугоналарим жамиятда ўринларини, мавқеларини янада оширишга ўзларида куч-ирода топа оладилар. Янги йилда барчамизга энг гўзал туйғулар ҳамроҳ бўлсин.

Гулсара ИСМОИЛОВА,
филология фанлари номзоди.

ЖАҲОН БОЗОРИДА БОЗОРИМИЗНИ БЕРСИН

ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ қўлга киритиб, порлоқ истиқбол сари ишонч билан қадам ташлаётган мамлакатимизда инсон манфаатларига ҳизмат қилувчи иқтисодий ислоҳотлар тобора кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда. Ўтган йили ҳам бу соҳада муайян муваффақиятларга эришилди. Иқтисодий ислоҳотлар республикамиз, шу жумладан, вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ҳам ёрдам берди. Зеро бу ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. У жаҳонда ўз ўрнимизни топишимиз, жаҳон ҳамжамиятида мавқеимизни мустаҳкамлаб боришимиз, қолаверса келажакда буюк давлатни барпо этишда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти И. А. Каримов ўзининг кўпдан-кўп маърузалари ва нутқларида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг ниҳоятда муҳимлигини, бунга эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланиш ва омилларни ишга солиш зарурлигини уқтирмоқда. «Маҳсулотларимиз экспортини кескин оширмасдан, корхоналар фаолиятини рақобатбоп товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, валюта ресурсларини кўпайтирмасдан ўз келажагимизни қуришимиз мумкин эмас», дейдилар Йўлбошчимиз.

Юртбошимизнинг бу кўрсатмасига асосланиб, пойтахт вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларидан аниқ мақсадни кўзлаб оқилона фойдаланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни иложи борича кенгайтиришга ва самарасини салмоқли қилишга интилмоқдамиз. Бунинг учун биринчи навбатда анъанавий хом ашёлар ва ярим тайёр маҳсулотлар — пахта толаси ва пахта маҳсулотлари, рангли ва қора металлар, минерал ўғитлари, машина механизмлар ва бошқа молларни хорижий мамлакатларга чиқаришга катта аҳамият бериляпти. Ўзимизнинг улкан бойликларимизни жаҳон бозорида сотиш билан валюта ишлаяпмиз. Бу эса вилоятимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларига замонавий асбоб-ускуналар, илғор технология ва ишлаб чиқариш жараёнларини жорий қилишга, айни вақтда унинг экспорт салоҳиятини кўтаришга, хориждан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босадиган буюмлар тайёрлашни йўлга қўйишга ёрдам бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида ташқи иқтисодий алоқалар янада кенгайди. Бунда экспорт қилинаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар салмоғи ҳамон устунлик қилмоқда. Экспорт ҳажмида энг юқори улуш рангли металларга, пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларга, кимё маҳсулотларига, хизмат кўрсатишга тўғри келди. Вилоятнинг етакчи корхоналаридан Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар ва Бекобод металлургия комбинатлари, шунингдек «Электркимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташқи савдо ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шу даврда вилоятда ташқи иқтисодий фаолият бир мунча ривожланди. Ҳозирги вақтда 50та узоқ ва 10та яқин хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалар олиб борилмоқда. Бунда экспорт ҳажми 311,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт бўйича энг юқори салмоқ рангли металларга тўғри келди. У экспортнинг умумий ҳажмида 44 фоизга етди. Пахта ҳам ҳамон чет элларга катта ҳажмда юборилмоқда. Экспортнинг 27 фоизи унга тўғри келди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам ҳиссаси ортиб бормоқда. У ўтган йилнинг шу давридаги 0,9 фоиз ўрнига 4 фоизга борди. Лекин, жаҳон бозорида рангли металлар нархининг тушиши ва пахта толасини четга сотиш камайганлиги экспортнинг олдинги йилдагига нисбатан пасайишига сабаб бўлди.

Кейинги йилларда вилоятда чет эл инвестицияларини жалб қилиб, қўшма корхоналар ташкил этиш кенгаймоқда. Ҳозирга келиб вилоятдаги бундай корхоналар сони бир юз элликтага яқинлашиб қолди. Уларнинг бир юз бештаси фаолият кўрсатмоқда. Хорижий тадбиркорлар билан барпо этилган бундай корхоналар истеъмол бозори учун турли-туман маҳсулотлар етказиб бериш қатори уларни экспорт қилишни ҳам кўпайтиришяпти. Улар 1997 йилда жами 36,7 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларни хориждаги буюртмачиларга етказиб берган бўлсалар, ўтган йилнинг ўн бир ойидаёқ бу кўрсаткичдан анча ўзиб кетдилар. Қўшма корхоналар экспорт қилган, жаҳон бозорида ҳам рақобат қиладиган маҳсулот ҳажми 41 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Унинг ҳажми 1997 йилнинг шу даврига нисбатан 135,8 фоизга ошди ва вилоят экспорти умумий ҳажмининг 14,3 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги иш ахволини чуқур таҳлил қилиб бердилар ва фойдаланилмаётган имкониятларни ҳамда камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини бирма бир санаб ўтдилар. Йўлбошчимизнинг бу кўрсатмаларига амал қилиш ҳамма соҳалар каби экспорт фаолиятида янги ютуқларга эришиш имконини беради.

Фарҳод МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети таржимонлик куллиётининг 4-курс талабаси

ДАСТУРЛАР ДОСТОНГА МАВЗУ

ҲАР бир жамиятнинг халқаро нуфузи унинг илм-маърифатга бўлган муносабати билан белгиланади. Зеро, ҳар томонлама саводхон, маънавий баркамол халқгина ўз олдига қўйган энг катта мақсадларга эришиши, муаммоларни ҳал этиши дунё тажрибасидан маълум. Шу боисдан ҳам сўнгги йиллар ичида мамлакатимизда умумий ўрта ва махсус, шунингдек олий таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Президентимиз ташаббуси билан юзага келган «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» катта аҳамият касб этди.

Ана шу дастурлар асосида бизнинг мактабимизда ҳам анчагина ўзгаришлар бўлди. Ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида қатор семинарлар ташкил этилди. Хорижий тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитишда аниқ йўл-йўриқлар белгилаб олинди. Юқори синф ўқувчиларини касбга ўргатишга малакали мураббийлар жалб этилди. Баҳодир Раҳимов, Олим Маҳмудов, Шарипа Раимжонова, Гулнора Йўлдошева сингари энг тажрибали муаллимлар талабалар онгига мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотлар мазмунини сингдириш мақсадида «Истиқлол ва биз», «Ислоҳот инсон учун», «Компьютер ва келажак» мавзуидаги тўгаракларни ташкил этишди. Мактаб директори Ҳусан Иноғомов ташаббуси билан ўқувчилардан иборат тузилган атроф-муҳитни асраб-авайлаш гуруҳларининг фаолияти ҳам эътиборга лойиқ бўлмоқда.

Бўлар, албатта, яхши. Лекин мен ҳам ўқитувчи, ҳам вилоят кенгашининг депутати сифатида йўналишлар аниқ белгилаб олинганлигига қарамай, муаммолар суст ҳал этилаётгани хусусида ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Ҳали, биз маорифчилар собиқ иттифоқ даврида лоқайдлик асоратларидан қутулолмаяпмиз. Рўй бераётган янгиликларни тез идрок этиб, ишда бурилиш ясашда ҳамон оқсаяпмиз. Буни Президентимиз шу йил 19 декабрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам алоҳида таъкидлади. Анжуманда кўпгина мактабларнинг моддий базаси ночорлиги айримлари авария ҳолатида эканлиги, кичик ёшдаги болалар тарбиясига етарли эътибор берилмаётгани, боғчалар сони ўта камайиб кетганлиги, қатор билим даргоҳлари мослаштирилган биноларда жойлаштирилганлиги қайд қилинди.

Худди шундай ҳолатдан бизнинг мактабимиз ҳам ҳали эмаслигидан депутат сифатида ачинаман. Узоққа бормай. Мактаб ҳудудида бундан беш йил аввал бошланган устахоналар биноси чала ҳолда турипти. Моддий базамиз ҳам етарлича мустаҳкам эмас. Дарсликлар етишмаслигига муросасозлик қилиб келмоқдамиз. Ҳамон мактабни таъмирлаш чоғида ҳали у, ҳали бу ота-онага мурожаат этиб, таъзим қилавериш ўқитувчига ярашармикин, деб ўйлаб қоламан. Каттагина спорт залимиз бўлгани ҳолда спорт анжомларимиз йўқ. Жисмоний тарбия дарслари фақат тўп тепиш билангина ўтмоқда. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун биз бу оқсашларимизни тан олишимиз керак. Зеро, гап келажакнинг баркамол авлодини, ўзимизнинг эртанги кунимиз кадрларини тарбиялаш ҳақида бормоқда.

Дастурда халқ таълимини қўллаб-қувватлаш барча корхоналар, ташкилотлар зиммасида эканлиги аниқ, равшан баён этиб қўйилган. Тўғри, ҳокимлик раҳбарлари, мактабимиз жойлашган Бўстонлиқ ширкат хўжалиги бошқаруви аъзолари мактабимизда бўлиб туришади. Лекин, шунга қарамай, хали ижобий ўзгаришлар томон қадам ташлай олмаяпмиз. Бу борада халқ сайлаб қўйган вакил сифатида менинг ҳам айбим бор. Сабаби улар билан кам мулоқотда бўлмоқдаман. Айниқса, вилоят сессияда Президентимиз айтган бир фикрдан кейин бу камчилигимни янада чуқурроқ ҳис этдим.

— Кези келганда шуни айтиш керакки, — деди Юртбошимиз бу йиғилишда, — депутатларнинг вазифаси фақатгина сессияларда қатнашиш, ҳокимни сайлашдагина иборат эмас. Улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимига ижобий таъсир кўрсатмоғи, зарур бўлса, вилоят раҳбарининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиш, ҳокимиятнинг ишини холисона баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапиришлари лозим.

Шу жиҳатдан олганда биз депутатларда ҳамон дадиллик етишмаяпти. Шаҳар ва туман ҳокимлари, хўжаликлар раҳбарлари билан бир ёқадан бош чиқариб ишлашга эриша олмаяпмиз.

Бу хусусда куни кеча бўлиб ўтган вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан учрашувда ҳам Президент алоҳида тўхталиб:

— Мен вилоят раҳбарлари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари, қўйингки, одамларнинг ишончига сазовор бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлиқ. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндошмас экансиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади, — деди.

Юртбошимиз келгуси йилдан умидларимиз катта эканлигини ҳам таъкидлади. Ҳар бир шаҳар ва туманда коллеж ёки лицей намуна сифатида қуриб фойдаланишга топширилади. Кейин дастурга мувофиқ босқичма-босқич бундай илм ва ҳунар даргоҳлари қад ростлаб боради. Улар учун юксак малакали ўқитувчилар тайёрланади. Бу вазифаларнинг ҳаммаси албатта раҳбарлардан ва халқ хизматига бел боғлаган биз депутатлардан алоҳида масъулият талаб этади. Буни дилдан ҳис этмоғимиз ва амалий ишга киришмоғимиз керак.

Маҳсума РАҲИМБЕРДИЕВА,
Бўстонлиқ туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси, вилоят Кенгаши депутати.

1998 ЙИЛ ИНШООТЛАРИ

ЯҚИНДА Юртбошимиз Ислом Каримовнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзлаган нутқида айтган «Ўзимиз ва яна бир бор аниқ англаб олишимиз зарурки, биз ислоҳотларни фақат инсон манфаатлари учун, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун, мамлакатимизни кучли ва барқарор қилиши учун ўтказяпмиз», деган сўзлари бекободликлар фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Боиси, 1998 йил туманда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашди. Қатор соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Чет элга маҳсулот сотиш кўпайди. Аҳолининг фидокорона меҳнати билан то-

АВВАЛ «ОЙБЕК»ДА, КЕЙИН «ДЕҲҚОНОБОД»ДА

пилган маблағларнинг бир қисми уларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга сарфланди.

Буни янги йил арафасида қишлоқларга келтирилган табиий газ, ичимлик суви тармоқлари, кўплаб маданий-маиший, тиббий хизмат, таълим-тарбия масканларининг қуриб фойдаланишга топширилганлиги ҳам исботлаб турипти. Хусусан, куни кеча Ойбек номли жамоа хўжалигида яшовчи болалар учун 620 ўринли замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган зиё масканини тумандаги 10- ва 20-механизациялашган кўчма жамлама қурувчилари бунёд этдилар.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалигининг 2-бўлимида 4 минг кишига мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти ишлай бошлади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохонада одамлар эрталабдан кечгача ётиб даволанишлари, шифокорлардан малакали ёрдамни қатнаб ҳам олишлари мумкин.

Мазкур жамоа хўжалик ҳаётида яна бир янгилик бўлди. Минг хонадонда «зангори олов» ёна бошлади.

Мактаб, қишлоқ врачлик пункти ва қишлоққа табиий газ келишига бағишланган тантаналарда вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев, туман ҳокими Ғофиржон Бўрибоев, ҳокимликнинг раҳбар ва мутахассислари ҳамда тумандаги корхона, ташкилот, хўжаликларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Каримжон РИХСИЕВ.

СУРАТЛАРДА: янги мактаб; табиий газ — жон роҳати экан; қишлоқ врачлик пунктининг кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН

ЯНГИ ЙИЛ ИСТАКЛАРИ

Узоқ йиллардан бери Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлаб келяпман. Вилоятимиз металлургия саноати бу етакчи корхонасининг кўпминг кишилик байналмилал жамоаси мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, дейишга ҳақлимиз.

Чунки ўтган — 1998 йилда металлургларимиз ва кончиларимиз самарали ишладилар. Комбинатда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми бир йилда деярли 10 фоизга ўсди. Бир қатор янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энг муҳими дунё бозорида ҳам маҳсулотларимиз харидорлари кўпаймоқда. Ишимиз нуқтаи назаридан жамоамизнинг бир қатор аъзолари янги йилни бевосита ўзларининг иш жойларида кутиб олдилар. Конлар ва корхоналарда меҳнат жараёни бир зум ҳам тўхтамай давом этди. Демак, улар янги йилнинг биринчи маҳсулотини ишлаб чиқардилар.

Биз — 1999 йилнинг қутлуғ келишига ишонамиз. У корхонамиз тарихида янада катта из қолдириши учун бутун маҳоратимиз, тажрибамиз ва билимимизни сарфлаб ишлаймиз. Ватан учун фидойи бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳаммамизга Янги йил қутлуғ бўлсин.

Барот ОЧИЛОВ,
Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қалмоққир» конининг экскаватор машинисти.

МУЛОҚОТ

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

1999 йил — Аёллар йили! Мен Президентимизнинг навбатдаги бу ташаббусини хурсандчилик билан кутиб олдим ва бу ҳақда бошқалар қандай фикрда эканлиги билан қизиқдим. Қувончли томони шундаки, мен суҳбатлашган кўпчилик муаллима аёллар ва талабалар янги йилда бўладиган яхши ўзгаришлардан умидворгина эмас, бу ўзгаришларга ўзларининг меҳнати, билими билан ҳисса қўшишга тайёрдирлар. Мана, суҳбатдошларимнинг айрим фикр-мулоҳазалари:

• ЭЛЬЗА АГЛЯМОВА, пойтахтдаги 100-мактаб ўқитувчиси:

— Ҳаёт, орзу, меҳр-муҳаббат... Булар ҳаммаси аёлгагина тегишли бўлган туйғулар, менимча. Мана шундай назокатли қалб эгалари учун Аёллар йили муваффақиятли келишини, ўқув йилимиз яхши якунланишини истайман. Немис ва рус тили ўқитувчиси бўлганим учунми, дилимдаги орзуим — бир бора бўлсаям Германияга бориб келиш...

• ФОТИМА ШУКУРОВА, республика тиббиёт билим юрти ўқитувчиси:

— Яқинда севимли қизимни турмушга узатдим. Шундай қувончдан кейин она нимани орзу қилиши мумкин?! Янги йилда набирали бўлсам, бир шодлигим икки бўларди. Оилавий бахт барча аёлларга насиб этсин, юртимиз тинч-фаровон бўлсин.

• ИРИНА КАЗАКОВА, Тошкентдаги 160-мактаб-лицей илмий бўлим мудири:

— Ҳукуматимиз биз аёллар тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши эса ана шу олий ҳурматнинг яна бир исботи, деб ўйлайман. Биз бу азиз иззат ва ишончга нисбатан масъулият, фидойилик билан жавоб қайтаришимиз керак.

• ИНДИРА ЖЎРАЕВА, Тошкент Давлат педагогика университети 4-курс талабаси:

— Эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги Конституциямизда ёзиб қўйилган. Бу нарса ҳаётда ҳам амалга ошаётгани мени қувонтиради. Менинг икки фарзандим бор. Уларни соғлом, бахтли, ҳаётдан мамнун кўришни истайман...

• ИРИНА ЛИ, 160-мактабнинг 11-синф ўқувчиси:

— Бу йил менинг энг катта орзуим — институтга кириш. Ишонаманки, Аёллар йили менга албатта ана шу катта бахтни ҳадя этади.

Эльмира МИРАЛИМОВА,
Тошкентдаги 160-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

1998 ЙИЛ ИНШООТЛАРИ



ҚЎШИҚ АЙТАР ЗАМОН КЕЛДИ...

Ҳа, элимизда шундай қўшиқ бор:

Хирмон тўла тўкилди дон,
Тўкилди дон, момо.
Тандир тўла ёпилди нон,
Ёпилди нон, момо...

Халқимиз азал-азалдан муқаддас таом — нонни алоҳида меҳр-муҳаббат билан эъзозлайди. Зеро, ризқ-рўзимиз ва тўкин дастурхонимиз кўрки ҳисобланган нон ҳар куни тавоб қилинадиган неъмат эканлиги қон-қонимизга сингиб кетган.

Таҳририятимизга янги йил арафасида Чиноз туманидан хушхабар келди. Унда айтилишича, қишлоқ марказида «Яллама-нон» цехи ишга тушган. Бу, Президентимиз яқинда Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатларига хизмат қилиши кераклиги»нинг амалдаги исботидир.

Шуни айтиш керакки, «Яллама-нон» цехи бир кеча-кундузда 20 тонна ундан 30 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу корхона Германиянинг «Витлер» фирмасидан ҳамда Россиядан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яллامаликларга ушбу янги йил туҳфасини тақдим этишда «Олтин хирмон», «Уммон» қурилиш жамоалари ва «Даврон» фирмаси қурувчиларининг ҳиссалари катта бўлди.

Эл дастурхонини тўкин қилиш мақсадида «Яллама-нон»нинг қурилишини «Ўздонмаҳсулот» ҳиссадорлик корпорацияси ҳомийликка олган эди. Энди улар шу ҳудудда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхонани ҳам қуриб беришга аҳд қилишди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Суратларда: «Яллама-нон» цехининг кўриниши; цехнинг савдо дўконида.

Абдужалил РАҲИМОВ олган суратлар.

ИНТЕРВЮ

ҲАР ЖИҲАТДАН ИЛҒОРМИЗ

КОРПОРАЦИЯМИЗ аъзолари 1998 йилни яхши кайфият билан кузатиб, янги йилни янги орзу-умидлар билан кутиб олдилар. 210 гектар майдондаги ғалла ҳосилдорлиги 43 центнерни ташкил этди. 2295 гектар ердаги шолидан эса 54 центнердан ҳосил олинди.

Йиллик соф даромад ҳам шунга яраша бўлиб, шоликорларимиз қувонса арзийдиган даромадга эга бўлмоқдалар.

Ўтган йил, айниқса, бизнинг бригадамиз аъзолари учун баракали бўлди. 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 69 центнердан шоли янчиб олиб, ҳосилдорликда энг юқори натижага эришдик ва режани 140,6 фоиз қилиб бажардик. Даромадда ҳам ҳеч қайси бригада бизга ета олмади.

Бу ютуғимиздан хурсанд бўлибгина қолмай, ундан яна бир фойдали хулоса чиқариб олдик. Негаки, биз шоличиликда ҳали имкониятлар кўп эканлигини, астойдил интилиб ишлаган киши учун ҳосилдорликда ҳам, даромадда ҳам чегара йўқлигини амалда кўрдик. Энди ўтган йилдаги ютуқларни янги мавсумда янада мустаҳкамлаш йўлларини яхши биламиз.

Турдибек УМАРБЕКОВ,
Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли халқ корпорацияси бригадаси бошлиғи.

ГАПДАН КЎРА ИШ ЯХШИ

1998 йил пскентлик пахтакорлар учун хайрли йил бўлди. 10600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,1 центнердан ҳосил кўтарилиб, 26.700 тонналик хирмон уйилди. Олти йил давом этган сурункали қолоқлик доғи ювилди.

— ЭЪТИРОФ этиш керакки, режа кетидан қувиш шўролар даврига хос одат эди. Энди бундай интилишнинг мазмун-моҳияти ўзгарди. Ҳозир меҳнатдан пировард мақсад — даромад олиш. Демак, гап режа бажариш эмас, балки режали иш тутишда.

Тўғри, режа бажарилмагани ҳосилдорлик мўлжалга етмай қолди, умумий хирмоннинг чўғи паст бўлди, дегани. Бунинг пировардида даромадга ҳам акс таъсири бўлади, албатта. Лекин шундай бўлсада, энди илгаригидек, «қандай қилиб бўлмасин режани бажариш» эмас, йилни ҳар жиҳатдан кўнгилдагидек якунлаш асосий мақсад бўлмоғи керак.

Аввалги йил якунларига бағишланган катта-кичик йиғилишларда асосан шу ҳақда гап бўлди. Пахта тайёрлаш режасининг сурункасига олти йилдан бери бажарилмай қолаётгани пскентлик ориятли деҳқонларнинг иззат-нафсларига теккан эди. Қолоқлик доғини ювиш учун бутун туман меҳнат аҳли бирдек жон куйдириб ишлаши, ҳар бир агротехника тадбири вақтида маромига етказиб ўтказилиши лозимлиги хусусида келишиб олинди. Айниқса, раҳбар ва мутахассилардан талаб кучайтирилди.

Биринчи навбатда кузги шудгорга катта эътибор қаратилди. Мавжуд ҳайдов тракторлари кучидан имкони борича тўла фойдаланишга ҳаракат қилинди. Натижада аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ асосий пахта майдонларини сифатли шудгорлаб қўйишга улгурилди.

Кузги шудгорнинг афзалликларини қуйидаги далилдан ҳам билса бўлади. Ҳар қанча ҳаракат қилингани билан пахта экиладиган 2000 гектарча ерни кузда ҳайдашга улгурмагандик. Ана шу майдонларда ҳосилдорлик 15 центнердан ошмади.

1998 йилда режадаги ҳосилни олишимизда ҳал қилувчи роль ўйнаган омиллардан яна бири ғўзани ягана қилишга жиддий ёндашилгани бўлди. Маълумки, яганани барвақт ва сифатли ўтказганлар ютади. Негаки, бошидан яккалаб қўйилган ниҳол озуқага тўйиниб, тез ва бақувват ривожланади, чигити тўқ, толаси пишиқ, ҳосил бўлиқ бўлади.

Биз кўкламдаги бемаврид ёққан кучли жала ва дўллар таъсирида кўплаб майдонларга кечикиб қайта чигит экган бўлсакда, яганага зўр берилгани туфайли, биринчидан, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга эришдик. Иккинчидан, ғўзалар бақувват ва серҳосил бўлиб ривожланди.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган уста деҳқонларнинг гапларига қараганда кейинги пайтларда ерлар анча ориқлаб кетган. Уларнинг фикрича, минерал ўғит фақат экинга куч беради, маҳаллий ўғит эса ерни ҳам тўйинтириб, хамиртуришдек кўпчитади. Шунинг учун асл деҳқонлар экинни эмас, ерни парвариш қилишади. Шу қоидага амал қилиб, аввалги кузда ҳосилотлар белгилаб берган карталарга жами 2,5 минг тонна маҳаллий ўғит чиқариб солинди. Ана шунинг ҳисобига туман бўйича умумий ҳосилдорликни 25 центнердан оширишга эришилди.

Техника деҳқоннинг таянчи эканлиги кўп йиллик тажрибалардан маълум. Айниқса, пахтачиликда етарли техника воситаларига эга бўлмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Лекин кейинги йилларда ана шу ишончли таянчдан путур кетди. Иқтисодий ночорлик туфайли хўжаликлар машина-механизмларни илгаригидек, янгилаб, бутлаб туришда қийналиб қолдилар. Режалар бажарилмай қолаётганлигининг асосий сабаби ҳам шу. Негаки, ғўзани парваришлаш даврининг ўзи олти ойга чўзилади. Пахта пишиб етилганда эса терим машиналари ишга солинмаса, ҳосилнинг ҳаммасини қўлда териб, саранжомлаб бўлмайди.

Сарҳисоб

Шулар ҳисобга олиниб, йил бошиданоқ туман машина-трактор паркларининг хўжаликларга ёрдами кучайтирилди. Бу билан чекланмай, ҳар бир хўжаликда мавжуд техника воситаларини таъмирлаб, ишга солишга ҳаракат қилинди. Шу мақсадда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бу тадбирлар, айниқса, иқтисодий ночор хўжаликларга жуда қўл келди. Уларга қўшни хўжаликларнинг бўш турган техникалари ёрдамга жўнатилди.

Хуллас, мавсумда имкони борича техникага зўр берилди. Далаларда 70-80 фоиз ҳосил пишиб етилгач, мавжуд 78та терим машинаси (шундан бештаси «Кейс» русумли) сафарбар этилди. Уларнинг тўхтовсиз, юксак унум билан ишлашларини таъминлаш мақсадида таъмирлаш ишлари бевосита даларларга кўчирилди. Натижада аввалги мавсумда бор-йўғи 1200 тонна пахта машинада терилган бўлса, бу сафар 4500 тонна ҳосил техника ёрдамида йиғиштириб олинди. Бу вилоят бўйича ҳам энг яхши кўрсаткичлардан бири.

Туманимиз пахтакорлари эришган муваффақиятда фермер хўжаликларининг ҳам салмоқли улушлари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аслида ҳам вилоят бўйича энг кўп фермер хўжалиги Пскент туманида. Улар умумий хирмонга йил бошида режалаштирилган 1200 тонна ўрнига 2250 тонна пахта қўшдилар. «Туркистон» жамоа хўжалигидан фермер Ҳамид Бектўраев ҳосилдорликни 50 центнерга етказди. Дўстбеков номли хўжаликдан Қ. Мирзаев, Навоий номли хўжаликдан Ў. Бойматов каби ўнлаб фермерлар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Шундай оғир йилда туманнинг умумий хирмонига 3500-4500 тоннадан улуш қўшган Навоий номли, Дўстбеков номли жамоа хўжаликлари ва «Пскент» ташқи бошқарувдаги хўжалик пахтакорларининг меҳнати ҳам алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Энг муҳими — туманимиз меҳнаткашлари йил бошидан ниятни яхши қилиб, режани аниқ олиб, уюшқоқлик билан ишга киришилса, ҳар қандай шароитда ҳам мақсадга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Айниқса, пахтачиликда техникасиз ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги яққол кўринди. Дастлабки хомчўтларга қараганда умумий даромад бир миллиард сўм атрофида бўлиши кутиляпти. Демак, хўжаликларда техника базасини мустаҳкамлаб бориш учун имконият йўллари очиляпти. Бу йил уни бой бермаслик чораларини кўришимиз лозим бўлади.

Абдували ҒАФУРОВ,
Пскент тумани ҳокимининг биринчи муовини.

ДУШАНБА, 4

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 16-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Юнус Ражабий».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 9-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги овозлар ўрганамиз.
11.00 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
11.20 «Кундуз амокининг қиссалари». Мультсериал.
11.35 «Юртим».
12.05 «Мактублар —қабутарлар».
12.30 Азим Суюн «Эзгулик ва ёвузлик». Фильм-спектакль. 1-қисм.
13.10—14.00 «Отолар сўзи — акланинг кўзи» почтасидан.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Согинч қўшиғи».
18.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
18.50 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Иқлосот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс-садо».
21.35 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 18-қисм.
22.25 «Келин-қўёв». Телешоу.
23.05 «Янги йил тароналари». Мусиқий дастур. 2-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсолари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 9-қисм.
18.50 «Қўшиқ».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Ватан манзаралари.
19.45, 20.40, 22.45 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Очун». Юнус Ражабий.
21.10 «Ешлар ва спорт».
21.35 Сиз севган хонанда: Собиржон Мўминов.
21.50 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Шорх эстрадаси.
22.50 Синема. «Қушча».
00.05 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Мультипультик».
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.40 «Ташаллик». Телесериал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Мисли гавҳар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Хиндистондан салом!». Мусиқий тўплом.
22.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Бу — джоз».
23.15 «Тоғлар чорлайди». Манзаралар фильм.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 «Кинонигоҳ».
01.15 Хайрли тун, шоҳрим!».

ЎзТВ IV

7.30—9.00.
Россия жамоат телевидениеси.

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

18.50—21.25
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

21.25 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 165-қисм.
22.10 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Ҳолис фикр».
22.45 «Подиум».
23.00 «Вести».
23.35 Киносеанс: «109-поезд тўхтовсиз юради». Бадиий фильм.
01.05 «Ахборот» (рус тилида).
01.30 Тунги сеанс: «Дорбоғлар автобус». Бадиий фильм.
03.05—03.10 Тунгингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 5

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 фасл. 17-қисм.
5.50 «Аруз тушуни».
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Юнус Ражабий».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 9-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги овозлар ўрганамиз.
11.00 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
11.20 «Кундуз амокининг қиссалари». Мультсериал.
11.35 «Юртим».
12.05 «Мактублар —қабутарлар».
12.30 Азим Суюн «Эзгулик ва ёвузлик». Фильм-спектакль. 1-қисм.
13.10—14.00 «Отолар сўзи — акланинг кўзи» почтасидан.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
18.30 «Тоянч нуқтаси».
18.50 «Бангкокдан—Сиднейгача». Спорт дастури.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 19-қисм.
22.10 «Олам қўшиқка тўлсин». Гиёс Бойтов.
22.35 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 10-қисм.
23.15 «Сахна қоғоти». Зомира Ҳидоятова.
23.40 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсолари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Мультфильмлар).
18.20 Мусиқий лоҳазалар.
18.25 Ровоқ.
18.45 «Қалбим».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Мусиқий клип-антракт.
19.35 «Рокурс».
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лоҳут».
20.25, 23.00 — Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.45 «Авторейд».
20.55 «Рокслар қанотида». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиҳова.
21.15 «Остонадаги орзулар».
21.35 Тоғнишинг. Абдувоҳид Рихсиев.
21.50 «Ешлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лоҳазалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 «Ширин орзулар».
22.55 Синема. «Омад». Мелодрама.
00.35 Хит-коллекция.
00.55 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Бриллиантош». Мультфильм.
18.30 «Усто». Телелавҳа.
18.40 «Ташаллик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оногинам».
20.20 «Чимкент йил фасллари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Смоки турухи — Тошкентда».
22.15 «Кўзгу». Тележурнал.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Видео-«О».
00.45 Хайрли тун, шоҳрим!».

ЎзТВ IV

7.30—9.00
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.40 Туркия телевидениеси

18.40—21.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал 167-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Телешифокор».
22.40 «Пурдаршон».
23.00 «Вести».
23.30 «Coskom» услубидаги мусиқа.
23.55 Киносеанс: «Ҳомроз». Бадиий фильм. 1-серия.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35 «Ҳомроз». Бадиий фильм. 2-серия.
02.50—02.55 Тунгингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 6

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл. 18-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлкамизда қиш».
8.10—8.30 «Мехриғиё».

8.30 «Алла». Республика танлови голибларининг концерти.
9.00 «Саройғон сохифалар». Адабий кўрсатув.
9.20 «Кундуз амокининг қиссалари». Мультсериал.
9.35 «Талаб ва таклиф».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Биз улғоймоқ қолдик».
10.25 «Доно бобо даврасида».
10.50 «Қўшиғим-жон қўшиғим».
11.30 «Акс садо».
12.05 Азим Суюн. «Эзгулик ва ёвузлик». Фильм-спектакль. 2-қисм.
12.40 «Севги қурурм». Мусиқий дастур.
13.10—14.00 «Отолар сўзи — акланинг кўзи» почтасидан.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
18.30 «Тоянч нуқтаси».
18.50 «Бангкокдан—Сиднейгача». Спорт дастури.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 19-қисм.
22.10 «Олам қўшиқка тўлсин». Гиёс Бойтов.
22.35 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 10-қисм.
23.15 «Сахна қоғоти». Зомира Ҳидоятова.
23.40 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсолари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади (Мультфильмлар).
18.20 Мусиқий лоҳазалар.
18.25 Ровоқ.
18.45 «Қалбим».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 Мусиқий клип-антракт.
19.35 «Рокурс».
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лоҳут».
20.25, 23.00 — Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.45 «Авторейд».
20.55 «Рокслар қанотида». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиҳова.
21.15 «Остонадаги орзулар».
21.35 Тоғнишинг. Абдувоҳид Рихсиев.
21.50 «Ешлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лоҳазалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 «Ширин орзулар».
22.55 Синема. «Омад». Мелодрама.
00.35 Хит-коллекция.
00.55 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Бриллиантош». Мультфильм.
18.30 «Усто». Телелавҳа.
18.40 «Ташаллик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оногинам».
20.20 «Чимкент йил фасллари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Смокининг турухи — Тошкентда».
22.15 «Кўзгу». Тележурнал.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Видео-«О».
00.45 Хайрли тун, шоҳрим!».

ЎзТВ IV

7.30—9.00
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.40 Туркия телевидениеси

18.40—21.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал 167-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Телешифокор».
22.40 «Пурдаршон».
23.00 «Вести».
23.30 «Coskom» услубидаги мусиқа.
23.55 Киносеанс: «Ҳомроз». Бадиий фильм. 1-серия.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35 «Ҳомроз». Бадиий фильм. 2-серия.
02.50—02.55 Тунгингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 7

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл. 19-қисм.
5.45 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00—8.30 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Достакор илҳоми». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командосининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 10-қисм.
10.00, 12.00, 14.00 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
10.25 «Олимпиадочилар оромгоҳида». Спорт дастури.

«Умид» намойиш этади:

10.45 «Устоз ва муроббий».
11.20 «Боктинг кетди».
11.45 «Кундуз амокининг қиссалари». Мультсериал.
12.05 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.30 Кундузги сеанс: «Ноэнгойим». Бадиий фильм.
14.10—14.35 «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Билимлар қалити».
18.30 «Ҳарита». Ҳалқаро шарҳ.
18.45 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севомон Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Мусиқа ўқитиш ҳақидаги ҳужжатлар ҳақида. Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-фасл. 20-қисм.
22.25 «Милий тоғлим уфқлари».
22.50 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
23.20 «Сомон йўли».
24.00 «Ахборот».
00.30—00.35 Ватан тимсолари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командосининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 10-қисм.
18.55 Мусиқий лоҳазалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Тароққиёт».
19.45, 20.40, 23.10 — Эълонлар.
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.
20.45 «Гулгулто ва сиз».
21.00 «Ислом».
21.25 «Қалбим ардоғи».
21.35 «Сиғмаган ғазаллар».
21.55 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Дойче Веллес» тақдим этади.
22.50 «Жаҳон хонаводи саньатлари».
23.15 Синема. «Зулмат йўли». Детектив.
00.45 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Бриллиантош». Мультфильм.
18.40 «Ташаллик». Телесериал.
18.30 «Дорбанглигимиз даво...».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Окибат». Телесериал.
21.55 «Билиб қўйган яхши».
22.15 «Янгро, дўстлар». Фильм-концерт.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Тошкент ва тошкентликлар».
23.05 «Яхши қайфият».
23.20 «Оҳанглар ва эълонлар».
23.40 Кинонигоҳ.
01.20 Хайрли тун, шоҳрим!

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.45 Туркия телевидениеси

18.45 «Уммон».
19.00 «Глинка-44».
19.15 «Кўкук ва жаннат».
19.30 «Шарқ дурдоналари».

20.00—21.30
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

21.30 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 168-қисм.
22.15 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.20 «Спорт-клуб».
22.40 «Сизнинг одвокатингиз».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сойёраси».
23.50 Кинематограф: «Яхши, ёмон, баджахл». Бош ролда К. Истуд. 1-серия.
01.20 «Ахборот» (рус тилида).
01.45 «Яхши, ёмон, баджахл». Бадиий фильм. 2-серия.
02.45-02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 8

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл. 20-қисм.
5.45 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00—8.30 Еш хонандалар концерти.

8.30 «Муроббий». Спорт дастури.
8.45 «Зийнат».
9.05 «Халқ иҳоднётиз».
9.35 «Жаранг».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Инсон ва қонунга ҳатлар.

«Умид» намойиш этади:

10.50 Болалар учун. «Гулгунчаклар».
11.05 «Маҳоллямиз болалари». Телебеллашув.
12.05 Кундузги сеанс. «Аловиддининг сеҳрли шамчироғи». Бадиий фильм.
13.25—14.00 «Дилхирож». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шер ва шуғур».
18.20 «Рўза — покланиш ойи».
18.30 «Тўртинчи ҳокимият».
18.50 «Аёл, муҳаббат ва олам». Кинокомпозиция.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Бололарга салом бериллик».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мавзу».
21.50 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 21-қисм.
22.40 «Юрак кенгликларидо». Олимхон Ҳойнатова.
23.10 «Кинонинг минг бир оламиз. Кинокўрсатув.
23.30 «Ахборот».
«Муновар дунё». Дом олиш дастури.
24.00 «Ният хайр, окибат хайр». Бадиий фильм.
01.20—01.25 Ватан тимсолари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Шиш ва болалар). Мультфильмлар.
18.40 «Ислом ва ешлар».
18.55 Мусиқий лоҳазалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.30 «Шаҳонам».
19.50, 20.45, 22.30 — Эълонлар.
19.55 «Доктор Финли». Телесериал.
20.50 «Автосавтонат».
21.00 «Бололарнинг шоҳорчаси».
21.15 «Ўйна, гулим, ўйна».
21.30 «Интерспорт».
21.55 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.35 Синема. «Муҳаббат ҳақида миш-миш-лар». (Арабистон).
00.15 Шорх оҳанглари.
00.30 «Муновар тонг ислоб».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Бриллиантош». Мультфильм.
18.30 «Дорбанглигимиз даво...».
18.40 «Ташаллик». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мусиқа ва ҳаётимиз».
21.00 Мусиқий лоҳазалар.
21.05 «Окибат». Телесериал.
21.55 «Адабий иклим».
22.15 «Сиз уларни танийсиз».
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Хумо оқшомида».
23.20 «Спорт оламида».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шоҳрим!».

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.40 Туркия телевидениеси

18.40—21.30
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

21.30 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 169-қисм.
22.15 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.20 «Таъзим».
22.35 «Дил иҳлари».
23.00 «Вести».
23.35 Кинематограф: «Пушаймон». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунги сеанс. «Ялғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 9

ЎзТВ I

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-фасл. 21-қисм.
5.50 Мумтоз мусиқа.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.30 «Ахборот».
8.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зонгиота».
8.10—8.30 «Жаҳон театри».

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеоальманах.
9.05 «Қолроз». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.45 «Шоҳруҳ» клуби.
10.05 «Бўстон». Тележурнал.

«Умид» намойиш этади:

10.35 «Очиқ дарс».
10.55 «Мен билгон, билмаган дунё».
11.15 «Армон». Композиция.
11.30 Бевосита мулоқот. «Касоба уюшмалари. Инсон манфаатлари йўлида».
12.15 Кундузги сеанс: «Мис ғор бекаси». Бадиий фильм.
13.35 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
14.00—14.35 «Мен нечун севамон Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Аралаш» ҳужжий киножурнал.
18.10 «Умид қалдиқчилари». «Ўзкинохроника» премьераси.
18.50 «Бахти ишқ». Телесериал.
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Ўзбекистон ғиғиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кичик ҳоҳ».
21.25 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллох». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 5 фасл. 22-қисм.
22.15 Санъат устоларининг концерти.
22.45 «Ахборот».

«Тунги елдуз». Дом олиш дастури.

23.15 «Куй ва тасв

БУ НАВОНИ ТИНГЛАЙДИ ДУНЁ

ОНА ДЕГАНДА ҳамманинг кўз ўнгида кўзларида меҳр учқунлари порлаган, латофат, иффат, матонат, куч ва қудрат эгаси бўлган мунис аёл сиймоси гавдаланади. Ҳа, оналаримиз учун фарзанднинг истиқболи, оиладаги хотиржамлик ҳар нарсадан устун.

Фарзанд — оила гулшанининг тоза гули. У бор бўлган хонадонда файз ҳам ўзгача. Дунёнинг биринчи қўшиғи бола йиғиси бўлса, иккинчиси — алла. Момо Ҳаво ҳам биринчи фарзандини кўрганда йиғлаб, Оллохдан мадад сўраган экан. Шундан бери бу азалий қўшиқ оналарга мерос бўлиб қолган экан.

Яқинда Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор қўрғони маданият уйида «Алла» ижрочиларининг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган фольклор-этнографик ансамблларининг ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Паркент тумани «Қорақалпоқ» жамоа хўжалигининг «Лапар» фольклор-этнографик ансамбли биринчи ўринни, Қуйичирчиқ туманига қарашли «Дин-даль» корейс халқ фольклор ансамбли ва Янгийўл шаҳар «Заррин япроқлар» ансамбллари иккинчи ўринни эгалладилар. Уларга маданият бошқармасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди. Ангренлик Муборак Абдураҳмонова «Энг яхши ижрочи» сифатида вилоят маданият бошқармасининг эсдалик совғасини олишга муяссар бўлди.

Улуғ донишманд Ибн Сино таъбири билан айтганда, боланинг мижозини кучайтирмоқ учун икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун аллалашдир. Бу иккисини идрок қилиш миқдорига қараб, боланинг танаси ва бадан-тарбияга бўлган истеъдоди ҳосил қилинади.

Ўзбек оиласида қадим замонлардаёқ аллани дўндириб айтувчи махсус энагалар бўлганки, уларнинг мақсади болани руҳий ва жисмоний жиҳатдан тўғри камол топтиришга хизмат қилган. Бу ҳол алланинг узоқ тарихга эгалиги ва бола тарбиясида кенг қўлланилганлигини кўрсатади.

Янгийўл шаҳрининг «Заррин япроқлар» фольклор жамоаси раҳбари Ҳабиба Ғозиева шундай дейди:

— Алла тинглаб улғайган болалар бошқача бўлади. Ўзимнинг беш фарзандим бор, икки ўғил, уч қиз. Уларнинг ҳаммасига алла айтиб, эндиликда набираларимга ҳам алла айтяпман. Алла сеҳрли қўшиқ. Мен шундай деб ўйлайман.

Ҳа, алла оналарнинг юрак-юрагидан отилиб чиқади. Алла она билан бола ўртасидаги сирли кўприк.

Бешик узра хиёл эгилган кўйи дилбандига алла айтаётган аёлни ҳеч кузатганмисиз?! Менимча, бундай гўзал ҳолатни дунёдаги ҳеч бир мусаввир, ҳеч бир шоир тўлалигича ифода эта олмаса керак. Халқимизнинг «Она билан бола, гул билан лола» деган нақли шундан пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

«Лапар» ансамблининг қатнашчиси, Паркент тумани Бойқозон қишлоғидаги 32-мактабнинг ўқитувчиси Рихсихон Ҳайдарова алласини тинглай туриб шундай хаёллар ўтди кўнглимдан.

Инсон қалбидаги энг гўзал туйғуларгина куй ва қўшиқларга жо бўлади. Шунинг учун ҳам ҳали тили чиқмаган гўдак мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар қилиб, бу нафосатдан лаззатланиш туйғусини сезади. Алланинг ҳаётбахшлиги эса унинг майин садоланишида, мўъжизавий кучидадир.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

ҳадиси шарифдан

• ТАНГРИ аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир.

• АЁЛ диёнати ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади, сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!

• ИМОННИНГ афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

• АЁЛЛАРГА эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

• ТАДБИРКОРЛИК — турмушнинг ярмига, дўстлашиш — ақлнинг ярмига, ғам-ташвиш — кексаликнинг ярмига тенг, аҳлу аёлнинг озлиги эса бойликнинг иккидан бирига тенг.

• СИЗЛАРНИНГ яхшиларингиз ўз аҳлу аёлига яхши муносабатда бўлганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳлу аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳлу аёлларни фақат ёмон одамларгина хору зор қилур.

• БАРЧА халқлар бамисоли Тангрининг аҳлу аёлидир. Улардан Тангрига ёқимлироғи ўз аҳлу аёлига фойдаси кўп тегадиганидир.

ЎЗБЕКНИНГ АЁЛЛАРИ

Ҳар кимки меҳнат қилса, меҳнати роҳат билан,
Бу юртнинг аёллари яшайди тоқат билан.
Тушида учиб юрар гўёки оқ от билан,
Ўзбекнинг аёллари жаннати аёллардир.

Остона бахти учун ёнган ўт яловидир,
Уйининг бетинчлиги дўзахнинг оловидир.
Ҳаммани бирлаштирган дамлаган паловидир,
Ўзбекнинг аёллари жаннати аёллардир.

Пахтани оппоқ дедим, пахтани юмшоқ дедим,
Аёлнинг қўлларини қавариқ кўрган эдим.
Балки бу гапимнинг ҳам илдизи жуда қадим,
Ўзбекнинг аёллари жаннати аёллардир.

Ҳиммати улуғ дарё, ғамлардан кетмас безиб,
Яшайди эртасидан бир буюк маъно сезиб,
Оллоҳнинг марҳамати кўксида юрар кезиб,
Ўзбекнинг аёллари жаннати аёллардир.

Жаннати бўлмоқликнинг минг битта шартлари бор,
Кўнгилнинг сандиғида сирғадек дардлари бор.
Бошига кўтаргудай йўлбошчи, мардлари бор,
Ўзбекнинг аёллари жаннати аёллардир.

Ҳамид НОРҚУЛ.

ИСЛОМ КАРИМОВ:

Ишончим комилки, Янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида Нафосат йили, Гўзаллик йили, Меҳр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.

	ЯНВАРЬ	ФЕВРАЛЬ	МАРТ	АПРЕЛЬ	
ДШ	4 11 18 25	1 8 15 22	1 8 15 22 29	5 12 19 26	ДШ
СШ	5 12 19 26	2 9 16 23	2 9 16 23 30	6 13 20 27	СШ
ЧШ	6 13 20 27	3 10 17 24	3 10 17 24 31	7 14 21 28	ЧШ
ПШ	7 14 21 28	4 11 18 25	4 11 18 25	1 8 15 22 29	ПШ
ЖМ	1 8 15 22 29	5 12 19 26	5 12 19 26	2 9 16 23 30	ЖМ
ШБ	**2 9 16 23 30**	**6 13 20 27**	**6 13 20 27**	**3 10 17 24**	**ШБ**
ЯШ	**3 10 17 24 31**	**7 14 21 28**	**7 14 21 28**	**4 11 18 25**	**ЯШ**

	МАЙ	ИЮНЬ	ИЮЛЬ	АВГУСТ	
ДШ	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	ДШ
СШ	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24 31	СШ
ЧШ	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	ЧШ
ПШ	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	ПШ
ЖМ	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	ЖМ
ШБ	**8 15 22 29**	**5 12 19 26**	**3 10 17 24 31**	**7 14 21 28**	**ШБ**
ЯШ	**9 16 23 30**	**6 13 20 27**	**4 11 18 25**	**1 8 15 22 29**	**ЯШ**

	СЕНТЯБРЬ	ОКТЯБРЬ	НОЯБРЬ	ДЕКАБРЬ	
ДШ	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	ДШ
СШ	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	СШ
ЧШ	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	ЧШ
ПШ	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	ПШ
ЖМ	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	ЖМ
ШБ	**4 11 18 25**	**2 9 16 23 30**	**6 13 20 27**	**4 11 18 25**	**ШБ**
ЯШ	**5 12 19 26**	**3 10 17 24 31**	**7 14 21 28**	**5 12 19 26**	**ЯШ**

ҳикматлар

• СЎНГСИЗЛИК қўнғироқлари ичра бир муқаддас ва оҳанраболи қўнғироқ борким, ул меҳр қўнғироғидир. Меҳр маъбудасига айланган аёлгина ўша қўнғироқ садоларини эшитгай.

***

• БЕШИК қошида фалак моҳи ёйдай эгилган, алла айтиб турган аёл руҳи Аллоҳ меҳробига тенгдир. Бундай аёлни ранжитмоқ, дилига озор бермоқ жаҳаннамни соғинмоқдир.

***

• ОНАНИНГ ўз фарзанди қошида бир тун мижжа қоқмай чиққанини фарзанд етмиш йил бедор бўлатуриб ҳам уза олмагай. Она меҳри ҳамиша улуғ.

***

• ОЧИҚКЎНГИЛ, очиқ чеҳра аёл фароғат чаманининг бир чечагидир. Бундай ожиза учун бахт ўзи эшик очгай. Бу бахт кошонасини қўлда сақлаб қолиш эса тадбиркор аёлларга насиб қилгусидир.

ҚОРБОБО – ҚАРИ БОБО

***ЯНГИ ЙИЛ** деганда эгнига оқ пўстин, бошига қизил қалпоқ кийиб, қўлига ҳасса ушлаган ва елкасига совғалар тўла қопчиқ ортиб олган узун соқолли афсонавий нуроний чол — Қорбобо кўз олдимизга келади. Лекин, унинг қачондан бошлаб бизнинг Янги йил меҳмонимиз бўлиб қолганини кўплар яхши билмаса керак.*

Қорбобо жуда қари — минг ёшдан ошиб кетди. Даставвал, мажусий диний тасаввурда Қорбобо шимолдаги совуқ шамол худосининг тимсоли бўлган. Афсоналарга кўра, бу худо муздан қурилган қасрда ҳар йили қишда Қуёш юзини тўсиб, фақат баҳордагина унинг юзидан пардани олармиш.

Кейинчалик бу муз билан дарёни занжирлаётган паҳлавон темирчи, сўнгра эса бизга таниш Қорбобо тарзида ифода қилинадиган бўлди. Вақт ўтиши билан Қорбобо мажусийлар динидаги муқаддаслик маъносини йўқотиб, одамларнинг дўстига айланди.

Янги йил кириши арафасида одамларда у ҳар турли совғаларга тўлдирилган қопчиғини елкасига ортиб, инсонларни бахт-саодат ила табриклаш учун узоқ шимол ўрмонларидан келади.

Янги йил байрамида фақат Қорбобо бўлиши кифоя қилмайди, балки арча ҳам бўлиши керак. Бир замонлар славян халқлари ва бошқа шимол халқлари арчани бахт ва тинчлик келтирувчи дарахт деб ҳисоблашарди. Бора-бора Янги йил кечаси одамлар уйларига арча ясатадиган бўлишди. Кўпинча, Янги йилга атаб чизилган расмларда Қорбобонинг бир елкасида қопчиқ, бир елкасида арча олиб ўрмондан чиқиб келаётгани тасвирланиши бежиз эмас.

Янги йил турли мамлакатларда турлича байрам қилинади. Аммо ҳамма ерда ҳам кишилар бир-бирларига чин кўнгилдан яхшилик, сиҳат-саломатлик тилашади. Шунга кўра Қорбобо ҳам кишиларга яхши истаклар билдириб, хонадонларга шодлик олиб келади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ҚУЁН ЙИЛИНИНГ НИЯТЛАРИ ҲАЙРЛИ

***ШАРҚ** мучали бўйича бу йил ҚУЁН ЙИЛИ киради. Унинг бошқа йиллардан ажралиб турадиган хусусиятлари анчагина. Ана шулардан энг муҳими — тинчлик, осудалик, фаровонлик ҳақида берилаётган хабардир. Илоҳим шундай бўлсин!..*

Айтишларича, қуён йилида туғилганлар бахтли бўлар эканлар. Улар истеъдодли, нотиқ, нозиктаъб. Ўзлари меҳнат қилаётган жамоани яхши кўрадилар, жамоа ҳам уни ёқтиради. Бу мучалдагилар мураккаб вазиятларда ўзларини камдан-кам йўқотадилар. Чунки, табиатан босиқ, осойишта, ижтимоий фаолиятда омадли.

Қуён йилида туғилганларнинг ҳаёти, бирор ноқулай жараёнга дуч келиб қолмаса, деярли осойишта кечади.

Хўш, қолган мучал соҳибларига бу йил нималарни «ваъда» қилмоқда?

«СИЧҚОН»лар бу йил бироз эҳтиёт бўлганлари маъқул. Чунки, чорраҳалар улар ҳаётида кўпроқ учрайди. Чорраҳада эса уларни «қуён»лар кутиб туради.

«СИГИР»лар эса ўз ишлари билан шуғулланавер-синлар, ҳеч ким уларга халақит бермайди. Уларнинг кавш қайтариши «қуён»ларнинг жиғига тегмайди...

«ЙЎЛБАРС»лар ҳам бемалол дам олишлари мумкин. Чунки, қуён борган ерга у ҳам етиб бора олади. Уларнинг қуёнлар билан умумий ўхшаш томонлари бор.

«БАЛИҚ» йили туғилганларнинг турланиб-тусланиб туришлари «қуён»ларнинг асабига тегмайди, аксинча, бу уларнинг кўнглига хуш ёқади.

«ИЛОН»ларнинг ақлли фикрлари кўпчиликка асқотиб туради, жумладан, «қуён»лар ҳам бундан фойдаланадилар. Эвазига у «илон»ларга омад улашади.

«ОТ» йилида дунёга келганлар учун бу йил бахтли кечади деса бўлади. Иш, ишқ, меҳнат, масъулият, саёҳат соҳаларида муваффақиятларга эришадилар.

«ҚЎЙ»ларни «қуён»лар жуда илиқ кутиб оладилар. Уларга кўпроқ эътибор қаратадилар, давраларнинг тўрига таклиф этадилар.

«МАЙМУН» йилида туғилганлар буюк ишларни амалга оширадилар. Уларга «қуён»лар ҳар томонлама мукаммаллик бахш этадилар.

«ТОВУҚ»ларда ўтган йилдан қолган «жароҳат»ларнинг битиши бироз чўзилади. Ишларида ижобий ўзгаришлар ҳам, салбийси ҳам кўзга ташланмайди.

«ИТ»лар садоқатлидирлар. «Қуён»лар уларнинг бу сифатларини қадрлаб, тинч ҳаёт, яхши хордиқ ваъда қилмоқдалар...

«ТЎНҒИЗ»ларга ҳам бу йил яхши бўлиши мумкин. Зотан, «тўнғиз»лар серобчиликни хуш кўрадилар.

Барчангизга бу йил бахт, омад, фаровонлик келтирсин. Зеро, қуён йилининг мақсади ҳам шу!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6